



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 29 январь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 15 (14.066)

Баҳоси эркин нарҳда

ТУРИЗМ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев 28 январь куни туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда жаҳон туризм бозори ҳажми қарийб 9 триллион долларни ташкил этмоқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритмоқда. Таҳлилларга кўра, туристлар ҳаво транспортида учиниш вақти 5 соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп саёҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофада 60 га яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Йилга уларнинг қарийб 360 миллиони хорижга саёҳат қилади. Бу улкан туризм бозори дегани.

Ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар сайёҳ келди. Дийримиш 10 дан ортқ нуфузли халқаро нахшларда энг жозибали туристик маскан сифатида эътироф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг яқинда Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа эканини таъкидлади.

Жорий йилда хориждан келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга, 2022 йилда 10 миллионга ва 2025 йилда 12 миллионга етказиш режалаштирилган. Бу орқали туризм хизматлари экспорт жорий йилда 1,5 миллиард доллар, кейинги 5 йилда 3 миллиард долларгача оширилиши.

Давлатимиз раҳбарининг саяё-ҳаракати, хусусан, 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни тўғрайли ва ҳалқимиз фаровонлиги ошгани сайин ички туризм ҳам кенгайиб бормоқда. Бирок, йиғилишда таъкидлангандек, жаҳон стандартларига мос меҳмон-хоналар, малакали гуллар етишмапти.

Шу боис меҳмонхоналарни жорий йилда 1 миңг 700 тага, келгуси 5 йилда 3 миңгагача кўпайтириш керак. Оилавий меҳмон уйлари ҳам 2 миңгагача етказиш зарур. Булар орқали туризм соҳасида йилга камда 30 миңга янги иш ўрни яратиш максат қилинган.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда ушбу натижаларга эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Сайёҳликнинг аънанавий турлари қамровини кенгайтириш билан бирга янги кўринишларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимиз юқори салохиятга эга бўлган кардиология, урология, стоматология, офтальмология каби тиббиёт йўналишларида туризмни ривожлантириш, соғломлаштириш ва дам олиш масканларига стратегик инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди. МДХ давлатлари касабга уюшларини билан яқин алоқаларини йўлга қўйиб, сайёҳлар сонини кескин ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ва Маданият вазирлиғига туризм маршрутга киритилган объектлар сонини жорий йилда 800 тага, 2025 йилда эса 2,5 миңгагача етказиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича 2020–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мўҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда самолёт ва поездларда хизмат кўрсатиши сифати пастлиги, чипталар нархи эса кўпматлиги йўловчиларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Оқибатда кўпчилик хорижий ташувчилар хизматини танламоқда. Темир йўл ва авиа йўналишларини кенг қамрови ва рақобатбардош эмаслиги қайд этилди.

Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасига Ўзбекистоннинг 4 аэропортида жорий этилган "очик осмон" режимдан тўлиқ фойдаланиш, янги авиа йўналишлар очиш, тезюрак поездалар сонини кўпайтириш, чипталар нархини арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўтган йили хорижий кинокомпаниялар томонидан мамлакатимизда 1,6 миллион долларлик 6 та бадийий фильм суратга олинди. Шунда харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон томонидан қоплаш тизими йўлга қўйилса, бу маданият туризмни ривожига катта туртки бериши билан бирга ўлкамизнинг халқаро майдонда тарғиботиға ҳам хисса қўшади.

"Ўзбекистон" Миллий агентлиғига хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизда суратга олиш механизмининг жорий этиши юзасидан топшириқлар берилди.

Туризм соҳасида кадрлар масаласига эътибор қаратилар экан, 20 та олий таълим муассасасида ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасига бириктирилган 3 та техникум ва 9 та коллежда ишчи касблар тайёрлаш тизимини жорий этиш бўйича ҳали кўп муаммолар ўз енчимини топмагани қайд этилди. Ўқув жараёнида илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳаниннг келгуси ривожига асос яратди.

Фармонда барча туман ва шаҳарларни камдада 3 та спорт турига ихтисослаштириш орқали катта спортга сифатли захира шакллантириш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари белгиланди.

Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш вазифаси қўйилиб, унинг молиявий манбалари хал қилиб берилди.

Йиғилишда мазкур фармонда белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиғига ҳар бир туман кесимини ташаббускорларни аниқлаб, қурилиш вазирлиги билан биргаликда арзон ва энергия тежамкор спорт иншоотлари қуриш бўйича намуналы лойиҳаларни тайёрлаш вазифаси топширилди.

Спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланган аҳолининг умумий сонини жорий йилда 18 фоизга, 2025 йилда эса 30 фоизга етказиш, шунингдек, 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг камдада 30 фоизни оммавий спортга жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда китба ва жаҳон чемпионатлари ва бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш орқали спорт туризмни ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Миллий спорт турлари, хусусан, курашни янада ривожлантириш, унинг Олимпия ўйинлари дастурига киришти мўҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда жорий йилда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ҲОЛАТ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 январь куни транспорт тизимини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мазкур соҳадаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадда, Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги Фармони биноан Транспорт вазирлиги ташкил этилган эди.

Бу борада муайян ишлар қилинган бўлса-да, мамлакатимизнинг транспорт-транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмапти.

Халқаро экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистон транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага, 2030 йилда эса минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш эвазига 23 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Жаҳон банкнинг логистика рейтингига юртимиз 163 давлат орасида 99-ўринда бўлиб, халқаро ташувларни амалга оширишнинг қулайлиги бўйича 120-ўринда қайд этилган.

Оптималь тариф сиёсати мавжуд бўлмагани сабабли транзит юк оқимини жалб этиш ва маҳаллий товарларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш имконияти чекланмоқда.

Йиғилишда транзит сиёсати бўйича кўриб чиқилди. Транспорт вазирлигининг энг мўҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Темир йўл тизимини тубдан ислох қилиш, соҳага хусусий капитални кенг жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳолат ҳам танқид қилинди. Миллий авиакомпания негизда ташкил этилган "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятлари мустақил ташкилотлар сифатида фаолиятини тўлиқ йўлга қўймагани сабабли ислохотлар самараси кўринмапти.

Шунингдек, ўтган йили 4 та аэропортида "очик осмон" режими жорий этилиб, "бешинчи ҳаво эркинлиги" ўрнатилган эди.

Аммо ханузгача биронта ҳам хорижий авиакомпания жалб қилинмапти. Бу ҳолат йўловчиларнинг асосли эътирозларига, бошқа хорижий авиакомпаниялар хизматидан фойдаланишиға сабаб бўлмоқда.

Шу боис, Жаҳон банки тавсиялари асосида соҳада олиб борилаётган ислохотларни тўлиқ якунига етказиш ва рақобат муҳитини яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Навойи ва Термиз халқаро аэропортидан юк ташуш ҳабиға айлантириш мақсадда "очик осмон" режимини жорий этиб, хорижий юк ташувчи авиакомпанияларни кенг жалб қилиш вазифаси белгиланди.

Янги авиакомпаниялар фаолияти учун шароит яратиш ва парвозлар географиясини янада кенгайтириш мўҳимлиги таъкидланди.

Автомобил ва жамоат транспорти соҳасида ҳам муайян камчиликлар бор.

Аҳолига қулай ва сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиш ни таъминлаш мақсадда йўналишлар учун очик тендерлар ўтказиш, жамоат транспортига оид тариф ва тартибларни қайта кўриб чиқиб, рақамлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш масаласига ҳам эътибор қаратилиб, халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, тез фурсатларда Автомобил йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Транспорт вазирлиги ҳузуриндаги назорат органларининг иш услуби эскича экани қайд этилиб, уларнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мутасаддилар йиғилишда қайд этилган муаммоларни ҳал этиш ва устувор вазифаларни баҳариш режалари юзасидан ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"TASHKENT PHARMA PARK" ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иновацион ва юқори сифатли дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қандириш, фармацевтика соҳаси мутахассисларини халқаро таълим стандартлари асосида ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, фармацевтика таълимининг халқаро илмий ҳамжиғият тизимига изчил интеграциялашувини таъминлаш ва республикада фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш мақсадда:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти Қибрай туманида "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини (кейинги ўринларда – Кластер) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
- 2. Белгилансинки, Кластер ўз ичига қуйидагиларни ташкил этишни қамраб олади:
 - а) қуйидагилардан иборат ўз инфратузилмасига эга бўлган **Фармацевтика техник университети** (кейинги ўринларда – Университет); илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар;

- ўқув-илмий лабораториялари ва виварийлар; фармацевтика маркази; меҳмонхонага эга симпозиумлар маркази; талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой;
- спорт-соғломлаштириш мажмуаси, сув ҳавзаси ва стадион;

- б) инновацион дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш майдонларидан иборат саноат зонаси (кейинги ўринларда – саноат зонаси).

3. Қуйидагилар:

- а) **Кластернинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:** халқаро тажрибани қўллаган ҳолда инновацион ечиллар (ноу-ҳау) ва юқори технологияларни жорий этиш орқали республиканиннг фармацевтика тармоғини ривожлантириш;

- фармацевтика тармоғида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича халқаро ўқитиш дастурларига муювчи малакали кадрлар тайёрлаш учун ихтисослаштирилган таълим инфратузилмасини яратиш;

- халқаро инновацион тизимга интеграциялаш, замонавий ўқув-лабораториялари ва илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, инновацион инфратузилмани яратиш орқали илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ МУҲОКАМАСИ

Парламент кўйи палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи ташкилий мажлиси ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузалари ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, уларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг иштирокига доир масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаларида ҳамда Мурожаатномасида 2019 йилда юртимизда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниди, 2020 йил ва келгуси даврда мамлакатимизни тараққий эттиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга доир мўҳим масалаларга эътибор қаратиш асосида бу борада янги Ўзбекистоннинг янги шаклланди парламент олдига ҳам қатор масъуلياتли вазифаларни қўйди.

Президентимизнинг маърузаларида ҳамда парламентга Мурожаатномасида белгиланган ҳар бир вазифа мамлакатимизнинг муайян соҳадаги ривожини янада жадаллаштиришга хизмат қилади, — деди Ўзбекистон "Миллий тиклиниш" демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров. — Шу

боис, биз партияимиз позициясида келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг чора-тадбирлар дастури лойиҳасини давлат фракцияимизда батафсил муҳокама қилдик. Бугунги йиғилишда ҳам уни такомиллаштириш мақсадда бир қатор таклифларимизни бердик. Мақсадимиз мазкур ҳужжат янги парламентнинг йўлини аниқ белгилайдиган, давлатимиз раҳбари томонидан илгартирилган ғоя ҳамда ташаббусларни ҳаётга ўттури ва изчил таътиқ қиладиган ҳужжат бўлишиға эришиш лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган барча кўмиталар ҳамда депутатлик бирлашмалари давлатимиз раҳбарининг маърузалари ва Мурожаатномасидан келиб чиқадиган ана шундай мўҳим вазифаларни белгилаб олгани, уларда қўйилган топшириқларнинг барчасини бекам қўст бажариш, илгартирилган ғоя ва ташаббусларни ҳаётга ўттури таътиқ қилишга киришилгани қайд этилди.

Парламент кўйи палатаси томонидан амалга ошириладиган зарур ишларни ўзида акс эттирган чора-тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур дастурни янада такомиллаштириш, пишқ-пўхта ҳолда қабул қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқид ҳамда ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим, — деди Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси Равшан Мамутов. — Қонун қабул қилиниди, албатта, ҳаётда ўзгартириш бўлиши керак, деган эдилар. Назаримда, нафа-

қат қонун, балки биз – парламент аъзолари қабул қилаётган қарорлар, ишлаб чиқарган чора-тадбирлар ҳам мамлакатимиз ҳаётда қандайдир ўзгариш ясамоғи керак. Шу маънода, палатаниннг чора-тадбирлар дастури лойиҳасини кўмитамизда ҳам кенг муҳокама қилдик, уни такомиллаштириш юзасидан тузилган ишчи гуруҳи тарғибига кўмитамиз аъзолари орасидан ўз вакилимизни киритдик. Бугунги Кенгаш йиғилишида ишчи гуруҳга ўз таклифларимизни бердик. Уйлайманки, бу Қонунчилик палатасининг олдига қўйилган вазифалар ўз вақтида, сифатли бажарилишида ҳамда натижаси ҳам шунга яраша бўлишида мўҳим омил ҳисобланади.

Маълумки, парламент кўйи палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозимни таъсис этилган эди. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ўртасидаги вазифалар тақсимот қилинди. Айни вақтда янги парламент институти бўлмиш Спикерининг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб олинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг янги тарғибдаги депутатларида парламентда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадда семинарлар, машғулотлар ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Нурилло НАСРИЕВ

XXI аср сарфоси Барча манбалардан олинган сўнги қаберлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Қашқадарь вилоятида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган пресс-турда айна шу мавзуга алоҳида эътибор қаратилди. Пресс-тур Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарь вилоят ҳудудий бошқармасида матбуот анжумани билан бошланди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллариға агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

● Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятини аҳолиға, айниқса тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида кўргазмали семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси ва Давлат солиқ кўмитаси ходимлари томонидан ташкил этилган тадбирда давлат солиқ хизмати ходимлари, турли қорхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбар ва ҳисобчилари, тадбиркорлар иштирок этди.

● Андижонда "Radiometer" дастури орқали электр энергиясини назорат қилиш ишлари бир неча туманларда тўлиқ йўлга қўйилди. "Андижон ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси" акциядорлик жамиятида электр энергияси узатишда тармоқдаги йўқотишларға бар-

ҳам бериш, ускуналарни зўриқтидан муҳофаза қилиш мақсадда қувват сарфини ишончли назорат қиладиган компьютерлаштирилган тизимни соҳаға таътиқ этиш борасида самарали ишлар олиб борилмақда. Хусусан, жамиятнинг алоқа бўлими бошлиги Одилов Нуриддин раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи томонидан амалиётга жорий қилинган "Radiometer" – мнемосхема автоматлаштирилган тизими ҳудуддаги нимстанциялардан узатилаётган қувват микдорини назорат қилиш имконини яратди.

ЖАҲОНДА

● Қариб денгизда, Ямайка ва Куба орасидаги ҳудудда 7,7 магнитудали қучли зилзила юз берди. Зилзила маркази Ямайкадаги Лусеа шаҳридан 117 км шимолда, ўчоғи 10 км чуқурликда бўлган. Зилзила қучи Кубада, Флоридада сезилган. Майамида одамлар бинолардан эвакуация қилинган. Айни вақтда жабрланганлар ва талофатлар ҳақида маълумотлар йўқ, бирок гувоҳлар ижтимоий тармоқларда Ямайкада биноларға шикаст етганини маълум қилишган. Зилзила оқибатида Қариб денгизда қучли цунами ҳосил бўлиши мумкинлиги маълум қилинган. Цунами Белиз, Куба, Хондурас, Мексика, Кайман ороллари ва Ямайка соҳиллари бўйлаб ўтиши мумкин.

● Хонгконглик олимлар гуруҳи Хитойда тарқалган янги турдаги коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқди, бирок уни синавдан ўтказиш учун анча вақт талаб этилади. "Биз вакцинини ишлаб чиқдик, бирок уни ҳайвонларда синавдан ўтказиш учун анча вақт талаб этилади", деб маълум қилган профессор Юэн Квок-Юнг. Олимнинг таъкидлашича, вакцинанинг ҳайвонларда синалиши бир неча ой, одамларда синалиши эса яна бир йил талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

"TASHKENT PHARMA PARK" ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

инновацион ва юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан, хорижий фармацевтика компанияларининг инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилиш;

илмий-таълим ва тадқиқот марказларининг илмий-техник ва инновацион дастурлар, танловлар ҳамда грантларда иштирок этиши учун шарт-шароитларни таъминлаш;

тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинуви ташкил этиш орқали хорижий ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда амалий иштирок этишни таъминлаш;

б) Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш, косметология, тармоқ ва бизнесни бошқариш соҳаларида халқаро таълим стандартларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш;

фармацевтика тармоғида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган инновацион ва самарали таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари жорий этиш;

таълим ва фаннинг узлуқсизлиги ва узвийлиги, шунингдек, уларнинг жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятга интеграциялашуви ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

фармацевтика таълими, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

фармацевтика тармоғи учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва ишбилармон доиралари билан узоқ мuddатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси (EDFC) линиялари бўйича Корея Республикаси Ҳукумати узоқ мuddатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш орқали ўз инфратузилмасига эга бўлган Университетни ташкил этиш тўғрисида дастлабки келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар: "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

"Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

"Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудда жойлаштириш тақдирда этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 3-иловага мувофиқ;

"Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар: "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерининг васийлик кенгаши 5-иловага мувофиқ таркибда;

Давлат муассасаси шаклидаги "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси (кейинги ўринларда – Дирекция) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан амалга оширилади.

6. Қуйидагилар: а) Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Кластер ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро грантларни жалб қилишда кўмаклашиш;

Кластернинг илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, уни замонавий ўқув-лаборатория ва тажриба-саноат ускуналари билан жиҳозлашга кўмаклашиш;

мазкур қарор билан белгиланган вазифалар Дирекция томонидан бажарилишини мониторинг қилиш;

б) Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор хорижий тажрибани, Кластерни халқаро ҳамжамиятга интеграция қилишни инобатга олган ҳолда уни ривожлантириш, шунингдек, Кластернинг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасида барқарор кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш;

фармацевтика соҳасида биринчи илмий шахарчани яратишда таълим, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

кўшма илмий тадқиқотларни амалга оширишда академик, таълим ва тармоқ илм-фани ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Кластер аъзоларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга тегишли гувоҳномаларни бериш, Кластер иштирокчиларининг реестрини юритиш;

инвесторлар ва Кластер иштирокчилари ўз зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

Дирекция томонидан ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ, Агентликнинг қарорига асосан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини Кластер ҳудудда жойлаштириш;

саноат зонаси ҳудудда инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши, ишга туширилиши ва Кластер иштирокчилари самарали фаолият юритиш

таъминлаш учун уларга зарур инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам қўрсатиш;

Кластерни ривожлантиришга хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш;

республика фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда стратегик инвесторларни аниқлаш нуктаи назаридан Кластер ҳудудда жойлаштириш учун тақлиф қилинган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертиза қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ҳуқуқат қарорини қабул қилсин.

7. Белгилансинки, а) Кластер саноат зонаси ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида тўғри инвестицияларни, жумладан, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади;

б) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида қарор ушбу лойиҳага илғор технологияларни жалб қилиш, инновацияларни татбиқ этиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиғи тўғрисида Дирекциянинг ижобий хулосаси олингандан кейин Агентлик томонидан қабул қилинади;

в) Кластер аъзолари ҳамда Дирекцияга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сон Фармониининг 3 ва 4-бандлари татбиқ этилади;

г) Дирекциянинг таъминоти, шу жумладан, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, асосий воситаларни сотиб олиш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик қошидаги Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари; Дирекция бошқарувидаги ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушган тушумлар;

Дирекция томонидан шартнома асосида кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан тушган тушумлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Агентликка Кластерни ташкил этиш мақсадида Дирекциянинг талабномаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги чора-тадбирларга тўловларни амалга оширишга рўхсат берилсин:

Кластер ҳудудининг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш; консалтинг ва инжиниринг хизматларини кўрсатишда иштирок этадиган хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалиёт ўташи бўйича харажатлар;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа бинолар, иншоотлар ва даракзорлар бузилиши сабабли, ер участкаси олиб қўйилганда мулкдорларга етказилган зарарни қоплаш.

9. Тошкент вилояти ҳокимилиги бир ой мuddатда: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда Дирекция билан биргаликда ер участкасининг чегараларини белгилаган ҳолда Кластерни жойлаштириш учун ажратилган худудларни топографик тасвирга олишни таъминлансин;

Кластер ташкил этиш учун Тошкент вилояти Қирғай туманида кейинчалик кенгайтириш имкониятини инобатга олган ҳолда, умумий майдони 43,75 гектар ер участкаси ажратилишини таъминласин.

10. Кластер қурилиши доирасида Дирекция, истисно тариқасида, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган мақсадларда олиб қўйилган сўғориладиган ерлар учун компенсация тўловларини тўлашдан озод қилинсин.

11. Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хар йили тегишли йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг параметрларини шакллантиришда "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ва зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик бюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига консуллик ва бошқа йигимларни ундирмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентлик бюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирмасдан кўп марталик визалар берилишини ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилинишини ва унинг мuddати узайтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги белгиланган тартибда республикага ишчи қучини (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рўхсатномалар берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, ушбу фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда қуйидаги тартиб ўрнатилсин: инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқов – узоқ мuddатли хорижий имтиёзли кредитларни ўз вақтида жалб қилган ҳолда белгиланган мuddатларда Кластерни, шу жумладан, Университет ва саноат зонасини ташкил этиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилишини, маълум идоралар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини, аниқланган муаммо ва камчиликлар тезкорлик билан бартараф этилишини таъминласин;

Агентлик директори в.б. С.Х.Кариёв – Кластерни самарали бошқариш тизимини яратиш, уни шакллантириш жараёнида юзага келадиган кундалик масалаларни ҳал қилиш, саноат зонаси ҳудудда юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш бўйича инновацион қувватларни жойлаштириш, ишлаб чиқарилаётган фармацевтика махсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, ушбу соҳадаги академик ва илмий-тадқиқот муҳитини ривожлантиришни таъминласин;

Тошкент вилояти ҳокими Р.К.Холматов – ер участкасининг чегараларини аниқласин ва транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини таъминлаган ҳолда уни Кластер ташкил этиш учун ажратсин, Кластер, шу жумладан, Университет ва саноат зонаси фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 28 январь

ЁШЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасининг аҳамияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар шу кунларда мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳларида, меҳнат жамоаларида, вазирлик ва ташкилотларда ўрганилмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида талаба-ёшларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари билан ўтказилган учрашувида ҳам мамлакатимизда ёшларга оид яратилаётган имконият ва шароитлар, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси хусусида сўз юритилди.

Мазкур институт ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Рустам Ҳотамов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Тиллаев ва бошқалар Президентимизнинг 2020 йилдаги парламентга Мурожаатномаси Ватанимиз тараққиётининг бир йилга эмас, бир неча йилларда илгари одимлаши йўлидаги муҳим дастур эканини алоҳида таъкидлади.

Айни пайтда мазкур дастур кучли ижтимоий йўналтирилгани, унда мамлакатимизни шиддат билан ривожлантириш, шу мақсадда рақамли технологияларни жорий этиш, бу борада кадрлар салоҳиятини юксалтириш бўйича қўллаб амалий вазифалар белгиланди. Нурунийлар, ёрдамга муҳтож оилалар, аёллар, ёш қизларга эътиборни қўйайтириш масаласи Мурожаатномада устувор ўрин эгаллагани аҳамиятлидир.

Ёшларга меҳр ва эътибор қаратиш, ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг олий таълим олиши, касбий малака ва маҳоратини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини муттасил чағнаб бориши учун барча имкониятлар сафарбар этилишига оид амалий тақлиф ва вазифалар Мурожаатноманинг ўқ илдизини ташкил этади. Бу жиҳатларни бутун халқимиз, ота-оналар, ёшлар, маънавият, таълим фидойилари алоҳида миннатдорлик билан эътироф этмоқда.

Учрашувда Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Спорт, таълим, жамоат ишларида ўрнатилган ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.УСМОНОВА

Қонун ва ижро

ЖАЗО МУДАДАТИНИ ЎТАЁТГАН 68 ФУҚАРО ПЕНСИЯ ОЛАДІГАН БЎЛДИ

2019 йил 28 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатнинг 1-моддасига асосан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақат пенсия тайинлаш, балки озодликдан маҳрум қилингунга қадар тўхтатилган пенсия тўловини тиклаш ҳуқуқи ҳам тақдим этилган.

Ушбу қонун билан маҳкумларга пенсия тайинлаш қандай тартибда амалга оширилади? Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрация хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда маълумот берилди.

Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари Медет Тлеуов "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини янада қўчайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг манتيқий давоми бўлиб, ушбу ҳужжат ижтимоий адолат принципларига тўла мослигини таъкидлади.

Мамлакатимиз ҳудудда 25 манзил-колония мавжуд бўлиб, уларда 300 дан ортиқ маҳкум пенсия ёшига тўлган. Уларнинг 60 га яқини эса озодликдан маҳрум этилгунга қадар бирор-бир турдаги давлат пенсиясини олиб келган ҳамда озодликдан маҳрум этилгандан кейин уларнинг пенсия тўлови қонунчиликда ўрнатилган тартибда тўлатилган.

– Мазкур қонун ижросига кўра, эндиликда Пенсия жамғармасининг туман, шаҳар бўлимлари томонидан 37 нафар манзил-колонияда жазо мuddатини ўтаётган фуқарога пенсия тайинланди, – деди Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати бўлим бошлиғи Шуҳрат Ўтаганов. – 31 нафарининг эса илгари тўхтатилган пенсия тўловлари тиклаб берилди. Уларнинг 62 нафари ёшга доир, 6 нафари эса ногиронлик пенсиясидир. Бугунги тадбир бевосита жамғарма, Бош прокуратура, Ички ишлар ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари томонидан ташкил этилган бўлиб, бу борадаги ишлар шу ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигидан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мурожаатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурахондарё, Тошкент вилоятларидаги манзил-колониялардан келиб тушган. Пенсия жамғармамиз эса ушбу мурожаатлар бўйича амалий ёрдам кўрсатаётир. Маҳкумларга нафақа тайинлаш ҳуқуқини тақдим этадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати-нинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Унда манзил-колонияда жазо мuddатини ўтаётган шахсларга ҳам нафақа тайинлаш ва тўлаш кўзда тутилган.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида кичик бизнеснинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб бормоқда. Айниқса, янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси жорий йил 1 январдан амалга киритилиши бу борада янги даврни бошлаб берди.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Сирғали" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинарда шахримизда фаолият юритувчи тадбиркорлар, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда солиқ бошқармасининг маъсул ходимлари иштирок этди.

Унда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 71 та боб, 480 та моддадан иборатлиги, унда солиқлар ва йигимларнинг сони ва турлари, шунингдек, алоҳида солиқ

режимлари оптималлаштирилгани, эндиликда, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар 9 турдаги солиқ тўловларини амалга ошириши ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида солиқ бошқармасининг маъсул ходими сўзга чиқиб, янги таҳрирдаги солиқ кодексига кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришини божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кирилаётган товарлар солиқ солишдан озод этилиши шунингдек, янги таҳрирдаги солиқ кодекси билан божхона соҳасига оид бир қатор ўзгартиришлар киритилганлиги бўйича

иштирокчиларга батафсил тушунтиришлар берди.

Жумладан, Солиқ кодексининг янги таҳрирда 1 январдан бошлаб: – трансферт нархи белгилашда солиқ назоратини ўтказишда (шу жумладан тақли этиладиган битимларини ва таққосланадиган битимларнинг тижорат ва молиявий шартларини таққослаш чоғида) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикасидан фойдаланади; – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб

Ўчрашув сўнгига ташқи иқтисодий фаолият катнашчиларига ўз фаолияти давомида муаммоларга дуч келса ҳамда божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 11-08 ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг (71)120-76-76 ишонч телефон рақамига қўнғироқ қилиши ёки бевосита божхона пости бошлиғига мурожаат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди. Зиёда РАСУЛОВА

Учтепа туманидаги "Ю.Саккокий" маҳалласида истиқомат қилувчи 100 ёшни нишонлаётган Зиявитдин Асомовнинг уйларига ташриф буюрганимизда ораста ва шинам хонадонда ўзига хос беқиёс файз борлигини ҳис қилдик.

Юз билан юзлашганлар

ҚАРИЯЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Хонадонда ўзгача шуқуқ, шодийна, отахоннинг фарзандлари, невра ва эваралари, узоқ яқин қариндошлари йиғилган.

Учтепа тумани ҳокими Ф. Абдуллаев бошчилигида, туман "Нуроний" жамғармаси раиси З. Асатов, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди раиси Ф. Шамсиев, туман Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳамда Тошкент шаҳар "Нуроний" жамғармаси кенгаши раиси Р. Каланов ҳам Зиявитдин Асомовни табриклаш учун совғалар билан кутлуг хонадонга ташриф буюришди.

Отахон бошчилигидаги бу оиланинг бахту-камалини, саодатли, бахтиёр кунларини кўриб бахру дилимиз яйради.

Юз, қўларидан самимият ва нур ёғилиб турган, табарруқ ёшларида ҳам барчани очик чехра билан кутиб олаётган, кўллари дуода бўлган отахондан – айна пайтада кўнглингиздан нималар кечди – деб сўраганимизда шундай жавоб бердилар:

– Бундай дорилмон, кунларга етказганга шукрона келтираман. Кексаларга эътибор кўрсатаётганлари учун аввалбоб Президентимизга чин кўнглидан миннатдорчилик билдираман. Биздай ёши улуг инсонларни ҳамиша йўқлаб, барча шарт-шароитларни яратётганлари учун минг раҳмат. Илоҳим давлатимизга кўз тегмасин, дастурхонларимиз тўкин, юртимиз тинч, барчанинг хонадонида озойишталик ва шодумонлик бўлсин.

А. Зиявитдинов, 1920 йил 13 январь куни пойтахтимизда ишчи оиласида туғилган. 1935-1938 йилларда Тошкент педагогика билим юртини тугаллаб,

"Қизилкўприк" (Октябрь) маҳалласидаги саводсизликни тугатиш курсида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1941-1945 йилларда соғлиги тўғри келмаганлиги туфайли ҳарбий хизматга қабул қилинмаган, Отахон урушга борманган бўлсада, бор куч ва ғайратини ёш авлодга билим, тарбия беришга сарфлаган. Урушнинг оғир йилларида уларга таянч бўлган. Ўз умри давомида ҳалқимизнинг саводхонлигини ошириш йўлида меҳнат қилиб келган фидойи фахрийларимиздан ҳисобланади.

Зиявитдин ота, "Фронт ортидаги фидокорона хизматлари учун", "Улуғ ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги", "Меҳнат фахрийси", "Жасорат", "Улуғ ватан урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги", "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги" медаллари билан тақдирланган.

Бугунги кунда отанинг юздан зиёд шоғирдлари мамлакатимизда турли соҳаларда фаолият юритиб келмоқда. Отахон рафиқалари Раҳима ая билан 5 қиз ва 4 ўғилни олий маълумотли, билимдон ва солиҳ инсонлар этиб воёга етказган. Ҳозирда 22 невра, 46 нафар эвара ҳамда 5 нафар чевараларнинг суюкли бобоси ҳисобланади. Отахоннинг 74 ёшли қизлари Дилбар ая ва 72 ёшли ўғли Хожимурот ота билан ҳам суҳбатлашар эканмиз, яшашнинг мазмунини, ҳаётнинг маъносини яхшилиқ, эзгулик, меҳр туйғуларни чамбарчас боғлаб турганлигини яна бир бор ҳис қилдик.

Зеро, қалб яқинлигини, оқибатнинг мустаҳкам ришталари билан узвий боғлаб, яқинларимизнинг қадрига етмас эканмиз, ҳаёт деб аталувчи бу гушан-



нинг гўзаллигини янада ҳис этиб, маъносини ҳамиша ҳам англайвермаймиз.

Отахоннинг умр йўллари билан танишар эканмиз инсон матонатининг нечоғлик қудратли эканига янада амин бўлиб боравердик.

Бинобарин ҳаётда нотекис йўлар, қийинчиликлар ва машаққатли довлонлардан ўтишни эплаб бориға шукр, йўғига сабр қилиб яшаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

100 ёшни қарши олганларига қарамай ҳар доим маҳалла аҳли билан ҳамнафас, ҳар ишда маслаҳатгўй отага қарб, "қарияларимиз ҳаммиша соғу-саломат бўлишсин, илоҳим" деб пичирлаб қўйдим.

– Падарибузрукворим бизнинг бахтимиз, дуоғўйимиз оилаларимизнинг файзи, онажоним 2004 йилда вафот этганлар, – дейди отанинг энг кенжа қизи Дилфуза Асомова. – Уларнинг дуолари остида, фарзандларимиз, невараларимиз одобли, илмли, билим ва хунар эгаллашга интилган. Ота-онамининг меҳнатлари ва ўғитлари туфайли мен ҳам шифокор бўлиб озми-кўпми эл-юртга нафис тегиб турибди. Ота-онамининг сабр, тоқат, мустаҳкам ирода билан ўтказган ҳаёт йўллари, ғайрат-шижоати бизларни ҳам доимо олдинга бошлайди. Уларнинг меҳнат машаққатини кўриб

улғайган фарзандлари ҳам ва минг шукурки жамиятимизга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишган ва бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда. Илоҳим аҳиллигимиз ва қариндошлар ўртасидаги иноқлигимизга кўз тегмасин.

Ҳа, инсоннинг умр йўллари унинг босган излари билан эмас, қилган меҳнати, кўрсатган хизмати ва эл-юрт олдидаги бурчи билан ўлчанади. Кутлуг хонадондан қайтар эканмиз, қалбимиз ажиб бир хотиржамликка тўлди. Аср билан юзлашган отахон қўлларини дуога очиб юртимизга тинчлик, дастурхонимизга тўкинлик, эзгу ишларимизга бардавонлик, Президентимизга саодатли узоқ умр тиладилар.

Пиру бадавлат инсонларнинг дуолари ҳамиша ижобат бўлади. Шундай кутлуг ёш барчамизга насиб айласин. Отахоннинг умрлари бунданда зиёда бўлсин.

Ҳа, фақат бизнинг мамлакатимиздагина кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зеро, кексалик умр зийнати ҳисобланади. Қарияларимизни ардоқлаб ҳар бир кунимизга шукрона келтириб яшаш эса ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

БАТАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН КАМАРБАСТАМИЗ

Президентимиз ташаббуси ва ҳалқимиз томонидан ҳар бир йил номлаш ва шу номга муносиб иш юритишга одатланганмиз. Ҳар бир келаятган янги йилларнинг бошланишида, йил номланишини қизиқиш билан, интиқ бўлиб кутамиз!

Барча давлат ташкилотлари, саноят, қишлоқ хўжалик, қурилиш, фан-таълим йўналиши, ҳусусий тадбиркорликлар ва барча соҳалар йил мавзусига оид, юртимизда бугунги кунларда амалга оширилатган ислохотлар, қарорлар фармойишлар ва бозор иқтисодиёти жараёнида, итеъомолчиларнинг талаб ва тақлифлари ўрганиб чиқилган ҳолда, иллийк иш дастурларимизни ишлаб чиқамиз ва тафаккуримиз, илмимиз, тажрибамиз, билимимиз бевоусита йил мавзусига йўналтирамиз.

Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йил "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди.

Президентимиз ўз нутқида "Мақсадимиз эркин, тинч ва бадавлат бўлиб яшаш, ҳалқимизни рози қилиш ва уларнинг фаровон яшашларига замин яратиш", деб таъкидлаганларини гувоҳи бўлганмиз! Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз айтиб ўтганларидек, охириги 3 йил мобайнида сўз эркинчилигига эришдик. Ҳалқ қабулхоналари, маҳаллаларимиз, иш жойларимиз бемалол ўз дардимиз, орзу-умидларимиз баралла айта олишга эришдик!

Бундан шуни ҳулоса қилиш керакки, ҳозирги кунда юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар уларни тинглай оламиз ва уларнинг йиллар давомида йиғилиб қолган дардларига эндиликда малҳам ҳам бўла оламиз! Йил мавзусининг шундай номланиши, республикамиздаги барча соҳалар бўйича хизмат кўрсатаётган фуқароларимиз, қандайдир бир ижобий туртки ёки қувват ёки даъват бўлиб қолди. Президентимизни бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ишончини оқлаш, юртимиздаги ҳар бир касб эгасини, қолаверса, барча фуқароларимизнинг масъулиятини оширади. Республикаимиздаги амалга оширилаётган ислохотларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур ва бурчимиз деб қабул қилишимиз керак.

Ўқоридаги маълумотларга таянган ҳолда биз педагогларга ҳам, ўз-ўзидан оқсақ ишонч ва масъулият юкланади. Бунинг учун ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётимизни ўсишини мақсад қилган ҳолда, таълим сифатини ривожлантиришга янада эътиборимизни қаратишимиз ва бугунги кунгача эришган натижаларимизни атрофлича таҳлил қилиб, таълимнинг инновацион ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, бугунги кунимизнинг давр талаби деб ҳисоблаймиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, биз бугунги кунда янги ривожланган Ўзбекистонни қуриш бўсағасида турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам Республикада матбуот, интернет тизимлари етарли даражада ривожланиб кетди. Ёшларимизнинг таълимига бўлган эҳтиёжи ошди, қолаверса, иқтисодимиз рақамга эришиш учун, кундан-кунга янги янги инновацион соҳаларга талабимиз ва эҳтиёжимиз ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўзимизни қизиқтирган, истаган маълумотларимизни маълум бир дақиқаларда олиш имкониятлари энди бизда ҳам мавжуд, чунки оммавий ахборотларни истемолчиларга етказиш ва ахборотларни қайта ишлаш тизимлари шиддат билан ривожланиб бормоқда! Бугун бизлар бундай оммавий ахборот тизимларидан ижобий ва оқилона фойдаланишимиз зарурлигини ҳаммамиз идрок этиб турибмиз.

Президентимиз томонидан ўтган 2019 йил "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинган эди, агар атрофлича таҳлил қилиб кўрсак, жорий 2020 йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номланишида, узвий юксалишларни кўришимиз мумкин.

Сабоҳат Тўхтабоева

САРАНЖОМ-САРИШТАЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Эрта тонгда оила аъзоларидан кимлар аввалроқ уйғониши ва нима билан банд бўлишига болалиқдан қизиққанман: қизлар, келинлар, аёллар.

Субҳидамда дарвозани очиб, ҳовли ва кўча эшиги олдини тартибга келтириш, хуллас, манзилга "файз-фарият" киритиш шароитида. Аёлнинг сариштаси – одамнинг фариятаси, деб бежизга айтишмаган. Бирок супуриш-сидириш, манзил маконни чанг-тўзон, ахлат ва шунга ўхшаш ортиқча нарсалардан тазалаш фақат хотин-қизларнинг вазифаси эмас. Саранжом-саришталликда улардан қолишмай-даг эркаларимиз бор.

Кўп қаватли уйда истиқомат қиламиз. Худудимиз кўп ҳолларда тоза ва озода. Мутасадди хизматчилар ўз ишини вақтида бажаради. Лекин табиатнинг феъли маълум. Каттиқ шамол турганда, айниқса куз охирида, супуриш-сидирган жой аввалги ҳолидан баттар бўлиши мумкин. Аммо "таслим бўлиш" йўқ – у ерда яшаётганлар дарҳол қайта тазалашга киришади.

Яқинда Юнусобод туманидаги 19 мавзеге бориб, кўп қаватли уйларидаги санитар холатни кузатдим. Қўнғилдагидек. Уйлардан бирига киришим билан "подъезд"даги файз-тароват, тартиб билан қўйилган гултуваклар эътиборимни тортиди. Бу ерда турли миллатта мансуб бир неча хонадон аъзоларимас, саранжом-саришталлик ҳадисини олган бир оила аъзолари яшайди гўё.

Ҳамма "дом"лар ҳам шундайми? Афсус. Баъзан йўлакларда юриб, табиатнинг хира бўлади. Бетонли ариқчалар ҳазон ва майиш чикиндагига тўла. Ёмон ҳиднинг анкиб туриши-чи.

Баъзилар уй ичинини тоза сақлайдику-я, эшикнинг орти билан иши йўқ. Зиналардан кўтарилиб, айрим эшиклар олдида чикинди халталарига кўзингиз тушади. "Кўчага чиққанамизда обороб ташларман" деган ҳаёл билан халталарни шундоққиса эшиклар олдида қўйишади уй бекалари. Бу нимадан далолат?

Чикиндиҳоналар мавжуд. Лекин у ерга боришда ҳаммада ҳам ғайрат йўқ – издиҳом ўтқидиган йўл четидан ноҳуш қайғитай ўйғотиб, ахлат уйими ётади. Майиш чикиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш – "Махсустранс" идораси ишчи-хизматчилари зиммасида. Тозаланган "нуқта", бир-икки кун ўтгач, яна ўша аҳвол. "Ахлат ташаганга жарима фалон сўм" деган оғоҳлатирувчи эълонлар гўё хўжақўрсинга-ю, холос. Бирров жарима тўладини, йўқми, ҳеч ким билмайди.

Тозалик-озодалик билан шуғулланишининг муайян вақти йўқ. Бекажонларимиз, юқорида таъкидлаганимиздек, эрта тонданок қўлга супурги олади. Жамоат жойларига эса Ободончилик идораси ишчилари ярим тунда ҳам ишлайди. Эрталаб ишга, ўқига кетаётганимизда кўча ва гузарлар саранжомлигидан қалбимиз равшан тортади.

Зотан, инсоннинг тозалик билан қандай муносабатда бўлишидан ички табиатини англашимиз мумкин. Гўзал қабл соҳибига позикалини ёқтиради, тозалик ва озодликни сақлашга ҳаракат қилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикоясида икки севилган қалбнинг бирга бўлмаслигига тозалик сабаб бўлади: севилсининг оёқ кийими тозаланмаганидан юраги гаш бўлган йигит алоқани узади.

Киз набиралари ақлини танидимни, супургини қандай тутти сабогини бошлаб йуборади бувижонлар. Ҳикоят қилишларича, бир киши ёшлигида узоқ бир шаҳарга кетиб, у ерда тижорат билан шуғулланади. Бойиб кетади. Уйланган, фарзандлари бор. Катта ўғли ўзига ўхшаган тадбирли, одоб-ахлоқда намуна. Биттаман деб юрган қизи борлар уни қувёб қилиш ҳавасида. Бирок бой ўз она кишилогидан муносиб келин топмоқчи. Энг озода ва ораста қизни. Лекин қандай топади шундай қизни?

У Наврўз арафасида туғилиб ўсган қишлоқига келди. Кўча айланди. Кўча эшиклари олдидаги тозалик-

ка разм қилиди. Остоналаргача. "Ярқин" туриши билан азамат чинор ёнидаги бир эшик эътиборини тортиди. Бу уйдаги файз-фариятга бошқачалигини дарор сездим...

Эртасига қишлоқ ақлини жамлаб, саранжом-саришталлик тадбирга бош-қош бўлиши-ю, энг чаққон ва озода қизларни турли муқофотлар кутаётганини айтди. Шарт оддий: воёга етган ҳар қиз ўзи истиқомат қилаётган маконни тозалаб, чикиндини олиб чиқади. Кўп чикинди топиб кетган қиз каттароқ муқофотга лойиқ.

Қизлар баробар ишга киришди, чикиндиларни белгилашга жойига келтириб тўқиди. Бой, шартга мувофиқ, энг кўп чикинди кўтариб келган қизни бош муқофот билан тақдирлади. Қолганлар ҳам олиб келган чикиндиларининг ҳажмига қараб рағбатлантирилди. Қизлар мамнун.

Барча қизлар иштирок этишди, деб сўради бой.Йўқ, деди ҳаёлчан қишлоқ оқсоқоли, ота-онаси қазо қилиб, тоға дарғоҳида катта бўлган бир қиз кўринмади. Мени уйига олиб борсангиз, илтимос қилди бой. Оқсоқол уни азамат чинор ёнидаги эшикка бошлаганда у ҳаяжонланди: "Уша ҳовли-ку?!"

Бош эгиб пешвоз чиққан қизалоқдан: "Тозаликка доир тадбир ўтказдик, чикмадин. Бекхобар қолдингми ё?" – сўради бой. Қиз тадбирдан хабардорлиги, бирок шунча супургини қарамай, бир қафтгина чикинди топгани-ю, уни олиб боришга уялганини, кўз ёшини ютиб, айтаган эди, бой, мурад-мақсадидаги ғандай, севинди. Ҳамиша тоза макондан чикинди чиқмайди, чикса ҳам жуда кам чиқади, деди у, анча вақт супурги қўрмаган манзилдан, аксинча, кўп ахлат чиқади. Бу ерга келишим, тозалик тадбирини ўтказишимдан мақсад, энг саришта қизни топиш, уни келин қилиш эди. Топдим шундай қизни, у-сен. Сени келин қиламан, қизалоғим!

Ҳа, тозаликда ҳикмат кўп. Маданияти юксак инсонлар нафақат ўз уйи ва ўзига тегишли майдоннинг, балки теварак-атроф, кўча ва йўллар, умуман, кўзга кўринадиган ҳар қандай жойнинг озодалигига, гуллаб-шашнашга ўзини қандайдир масъулдек билади. Бундай ишларни ҳашар тариқасида бажариш ва сабоб олиш учун ҳам фидойилик кўрсатиш – ҳалқимизнинг азалий фазилатларидан бири.

Мустақиллик ва Наврўз байрами арафасида "Ободонлаштириш ва озодлик" ойланининг уюшқоқлик билан ташкил этилишига ҳар йил гувоҳ бўлялмиз. Яна Наврўз арафасидамиз. Жорий йил озодликни хуш кўрайдиган баҳоройни ўзгача тадорик билан кутиб олиш эртароқ бошланди. Бир ой эмас, икки ой давом этиши қутилатган "Файли Тошкент" аксияси доирасида мамлакатимиз пойтахтида ободонлаштириш ишлари жадал олиб бориляпти. Шохқўчалар баробарида ички кўча ва йўлақлар, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, тўбинолар, зияратгоҳлар шуқуқ ва хусн-тароватга юз тугиб, қабрис-тонлар тозаланмоқда.

Пойтахтимизнинг озодалигига Ободончилик идораси хизматчиларига эмас, ҳаммамиз жавобгармиз, дейди меҳнат фахрийси, ёши бир жойга борган Ойсифат Куронова, қўли гул инсонлар биргаликда ҳаракат қилгандагина Тошкентимиз том маънодаги файзли шаҳарга айланиши мумкин.Онахоннинг таъкидлашича, ҳалқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини кенг намойиш этишда, шунингдек, бундай тадбирларнинг таъсири салмоқли. Тозалик-озодалик, саранжом-саришталликнинг инсон саломатлигини асрашдаги аҳамиятини ёшлар онг-шуурига янада чуқурроқ сингдиришга ҳам беэтибор бўлмаслигимиз лозим.

Муҳаммад ШОДИЙ

АСКАРЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент давлат аграр университетида Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун тест синовлари ўтказилди.

Аудиторияларда шаффоқлик, холисликни таъминлаш мақсадида эксперт-кузатувчилар жараёни кузатиб борди. Тест саволларини ечиш, жавоблар варақасини тўлдириш учун жами 3 соат вақт ажратилди. Билимларини синовдан ўтказган аскарлар шу пайт мобайнида жами 100 тадан тест саволига жавоб берди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш тизими самарали йўлга қўйилган. Бу эса хизмат даврида ҳар томонлама сафдошларига ўрнат қўлдан аскарлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Намунали ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, мантиқий саволлар, шунингдек, физика ва математика фанларидан тест синовларида энг кўп балл тўплаган аскарлар мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқиш имконини берадиган ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини қўлга киритади.

– Ҳарбий хизмат ҳар бир йигитни руҳий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтиради, – дейди оддий аскар Муҳаммадали Янгибоев. – Хизмат давомида ҳарбий соҳага оид билимларни пухта эгаллашга ҳарақат қилиб, ўз билимимни ҳам ҳар томонлама оширдим. Бунинг учун командирларимдан миннатдорман. Хизматни якунлагач, ҳарбий билим юртида ўқишга ҳужжат топшироқчиман. Ўқиб, юртимиз тинчлиги ва ҳалқимиз озойишталигини таъминлашдек шарафли ишимни давом эттироқчиман.

Бугунги кунда Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида мuddатли ҳарбий хизмат бурчини шараф билан бажаряётган йигитларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, билимимни бойлатиши, ҳарбий интизомни чуқур ўзлаштириши учун барча қўлайлик яратилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Давлат тест маркази томонидан олинадиган тест натижаларига кўра, аскарлар республиканинг барча олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ўзи тўплаган баллнинг 50 фоизи миқдорига қўшимча имтиёзга эга бўлади.

АКА-УКА РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Иқуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида андижонлик рассомлар ака-ука Нўмонжон ва Абдуллажон Холмирзаевларнинг Ўзбекистон бўйлаб сайёр кўргазмаларининг якунига бағишланган "Нигоҳ" номли кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада иккала рассомнинг ҳалқимизнинг миллий анавалари, турмуш тарзи, қадриятлари ва урф-одатлари акс этган 70 дан ортиқ ишлари намойиш қилинди.

Нўмонжон Холмирзаев 1980 йили Андижон педагогика билим юртини тамомлаб, 1980-1984 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Бадий графика" йўналишида таҳсил олган.

Абдуллажон Холмирзаев эса мактабни битиргач, акиси ортидан бориб, П.Беньков номидаги рассомлик билим юртида таҳсил олган. Коллежни тамомлагач, Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқиган.

Ака-ука рассомлар ижод соҳасида алоҳида дид ва қарашлари билан ажралиб туради. Буни улар яратган асарларни кузатгандагина англаш мумкин.

(ЎЗА)

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномалари том маънода Ўзбекистоннинг янги авлод тарбиясида янги-янги вазифаларни белгилаб олиш ва амалга оширишда дастурамал вазифасини ўташи шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Мурожаатномада таъкидланганидек, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!” деган широк одамларимиз қалбида чуқур жой олиши кераклиги барчамиз учун ҳаётий таъминот айланиши зарурдир.

Хусусан, ҳозирги глобаллашув даврида мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ҳар доимгидан кўра катта масъулиятни талаб этмоқда. Шу боис, уларда ватанга садоқат, ўз ишига масъулият, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳайрихоҳлик, “Миллий тарихидан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантиришда спорт муҳим аҳамият касб этади.

Ортимиздаги барча касб эгалари каби Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳарбий хизматчилари ҳам бўш вақтини Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик шиори остида 2019 йилнинг май ойидан буён “**Ватанпарвар-спортчи ёшлар тўғрақлари**” фаолиятини йўлга қўйиб келмоқда. Даставвал 10 та мактабда 400 га яқин ўқувчиларни жамлаган бўлса, тўғрақлар сони бугунги кунга келиб 20 та мактабда жами 1000 га яқин фарзандларимизни қамраб олди. Энг муҳими, 2020 йил январь ойидан бошлаб институт ҳарбий хизматчилари ва курсантлари мураббийлик қилаётган тўғрақлар раҳбари К.Усмонов туман Ички ишлар бошқармаси Вояга етмаганлар бўлими ҳамда туман Халқ таъ-

лими бўлими билан ҳамкорликда уюшмаган ёшларни ҳам спортга кенг жалб этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиб амалга ошираётганлиги туман ёшлари соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари борасида тизимли ишлар йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Жисмонан соғлом бўлиш, бошқаларга ҳар томонлама намунали хулқ билан ўрнак бўлиш, мустақил дунёқараши, ҳуқуқий саводхонлиги, муста-

ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

қил ҳаётга қадам қўяётганда турмуш қийинчиликлари ва ёлгон вадаларга учиб қолмасликлари каби тарбиявий машғулотлар спорт тўғрақларининг ажралмас таркибий қисми саналади.

Спортчи ҳарбий хизматчиларнинг ёшларимизга спорт сир-асрорларини ўргатишлари билан бир қаторда уларни машғул қилишда фидойилик ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаб беришлари, ёшларда вақтнинг қадрини етиш ва унумли фойдаланиш, шахсий позициясини шакллантириш ўқув машғулотларини аъло баҳолашга ўзлаштиришларида ижобий аҳамият касб этаётганлиги мактаб маъмурияти ва ота-оналар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Энг қувонарлиси, ушбу спорт тўғрақларининг биринчи навбатда ҳарбий хизматчилар томонидан юритилиши, яъни эртанги кун эгаларининг таълим-тарбияси ишончли қўлларда эканлиги бўлса, иккинчидан ушбу тўғрақларни ҳафтанинг олти куни

давомида тинимсиз бепул фаолият олиб бораётганлигидир.

Шунинг билан бирга Институт ходимлари томонидан келгусида ёш истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва тарбиялаш, илмга асосланган спортни ривожлантиришга доир ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни режалаштирилганлиги 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”даги устувор вазифа ҳисобланади.

Бинобарин, ушбу тўғрақлар фаолиятларини янада кенгайтириш, ёшларни кенгрок жалб этиб уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик фазилатларини янада юксалтириш масаласига эътибор қаратишимиз, давалатимиз бебахо бойлиги ва куч-қудрати саналган авлоднинг камол топишида барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмасликка ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига доир амалга оширилаётган ислохотларнинг ижросини таъминлаш, ана шу ислохотларни фаол тарғиботчи ва фидойиси сифатида К.Усмонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ Ҳарбий-техник институт ҳарбий хизматчилари ва курсантлари Олмазор тумани ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг спортга бўлган қизиқшини ошириш, келажақда ўз ўринларини топиларига пойдевор яратиш йўлида беминнат хизмат қилмоқда.

Камол УСМОНОВ Хошим ўғли, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти “Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси бошлиги, полковник, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, Фулом МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти “Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

Яккасарой туманидаги “Дилбулоқ” маҳалла гузариди Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш мақсадида кутубхона ташкил этилди.

Кутубхонада бугунги кунда 200 га яқин ўзбек, рус ва инглиз адаблирининг асарлари жой олган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобга бўлган меҳрини янада оширишни кўзлаб очилган кутубхона ўғил-қизлар билан гавжум.

Президентимиз томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологиялари-

дан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди, — дейди “Дилбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Арипов. – Шиддат билан ривожланиб, мафкура ва ғоялар кураши авж олаётган бугунги глобаллашув даврида ёшлар ўртасида ушбу 5 муҳим ташаббусни илгари су-

риш, оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа айланган. Маҳалла жонқуярлари ҳам айнан шу хайрли мақсадда ёшлар учун кутубхона ташкил этдик. Маънавияти юксак ёшлар келажақда қоқилмасдан жамиятда ўз ўрнини эгаллаши шубҳасиз. Ёшлар кутубхонадаги адабиётларни ўқиш билан бирга дўстлари билан муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлишмоқда. **Зарина РУСТАМОВА**

ЧЎГЛАНМА ЛАМПОЧКАЛАРИНИНГ ЯШИРИН АЙЛАНМАСИ ФОШ ЭТИЛДИ

Сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига қарши божхона органлари томонидан тизимли равишда кураш олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идора вакиллари билан ҳамкорликда чўгланма лампочкаларнинг ноқонуний айланмасини фош қилишди.

Сергели туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида, фуқаро К.Ф.га тегишли юк автомашинаси тўxtатилиб, белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилди.

Натижада, автомашина юқонасида божхона расмийлаштиришдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган турли қувватли салкам 5000 дона чўгланма лампочкалар

борлиги аниқланди. Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги “Энергияни тежайдиган лампалар маҳаллий ишлаб чиқарилишини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли қарорига кўра, электр чўгланма лампаларни 2016 йил 1 июлдан эркин муомалага чиқариш ва 2017 йил 1 январдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши таққиланган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

КОРРУПЦИЯ — ТАРҚИЁТГА ПУТур ЕТКАЗУВЧИ ИЛЛАТ

“Ўзэнергоинспекцияси” Тошкент шаҳар бўлимида “Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Унда коррупцияга қарши кураш юзасидан республика бўйича олиб борилган чора-тадбирлар, миллий ва халқаро қонунчилик, жамият тарққиётига путр етказувчи иллат билан курашишнинг ҳуқуқий асослар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан 2012 йил 29 октябрда қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш чора-тадбирлари дастури ҳақида”ги Фармойиши бугунги кунда ушбу йўналишда амалга оширилаётган чораларни янада кучайтирганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда бу борада миллий ва ривожланган демократик давлатлар таърибасига урғу қаратилиб, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланишини ҳар томонлама ўрганиш, уларни янада такомиллаштириш юзасидан тушунчалар берилди.

Абдулла АБДУЛЛАЕВ, “Ўзэнергоинспекцияси” Тошкент шаҳар бўлими етакчи мутахасиси

Реклама ва эълонлар

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 13 февраль кунги соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига АТ “Халқ банки” Олмазор филиалининг 28.01.2020 йилдаги № 58-сонли бюртманомасига асосан банк тасарруфидидаги Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/3 мавзеси, 11-уй манзилида жойлашган умумий майдони 124 кв.м бўлган АТ “Халқ банки” Олмазор филиалига қарашли 339-сонли коммунал касса биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 301 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 13 февраль кунги сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 28 февраль, 16, 31 март ва 15, 30 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан бюртманчи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истagini билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат қилишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдоридида закат пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ АТ “Халқбанк” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Аукцион савдосида иштирок этишни талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунини олдин соат 16:00 да тўxtатилди. Савдо фолибига аукцион савдоси натижалари бўйича фолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикфол кўчаси, 34-уй. Телефон: (+99871) 236-25-53. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR – 0298

“Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 122А-уй, 6-хонадон учун Хамрақуллова Зумрад Аҳмеджановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат иккинчи Тиббиёт институти томонидан 2003 йилда Tashmina Yasmin Islam номига берилган DI № 000724 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЕнгиЛ атлетика

ГОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатидида енгиЛ атлетика бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида очик турнир ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик ҳамда мамлакатимиз енгиЛ атлетика федерацияси томонидан ўтказилган мусобақанинг ядро улоқтириш баҳсларида Евгений Буданова ҳамда Александр Ли олтин медалини қўлга киритди. Турли масофаларга югуришда Раиса Дробжева, Виктория Артеменко, Валерия Панова, Тимур Исроилов, Дамир Габидов ва Дониёр Жўраев марра чизгинини биринчи бўлиб босиб ўтди. 60 метр масофага тўсиқлар оша югуришда Эдгар Бурхонов ва Мадина Миннулинова барча рақибларини ортда қолдириб, турнир фолибига айланди. Баландлик ва узунликка сакрашда Амир Нагаев, Олег Бузкин, Арина Орипова ҳамда Ксения Степанова шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Россиянинг Қозон шаҳрида теннис бўйича “Фьючерс” туркумига кирувчи мусобақада Сергей Фомин яққалик ва жуфтлик баҳсларида муваффақиятли иштирок этди.

Турнирнинг яққалик баҳслари финал учрашувида ҳамюртимиз Сергей Фомин россиялик Евгений Тюрневга қарши қотта чиқди. Уинда теннисчимиз рақибини 6:4, 3:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош соврнини қўлга киритди. Жуфтлик баҳсларида С.Фомин бошқа бир теннисчимиз Жўрабек Каримов билан финалга қадар муваффақиятли иштирок этиб, яқунда мусобақанинг вице-чемпионларига айланди.

Таиланднинг Нонтхабури шаҳрида теннис бўйича “Фьючерс” туркумига кирувчи турнирда Окгул Омонмуродова ҳамда Нигина Абдураимова саралаш баҳсларида иккинчи ғалабага эришди.

Саралаш баҳсларининг иккинчи босқичида Окгул япониялик Химено Сакацумени 6:2, 4:6, 10:7 ҳисобида мағлуб этди ва асосий даврага чиқиш учун ўтадиган ўинда бошқа бир япон теннисчиси Рина Сайгога қарши қотта чиқадиган бўлди.

Маъжур босқичда иштирок этаётган Нигина Абдураимова эса гонконглик Кван Ю Нгдан 4:6, 7:5, 11:9 ҳисобида устун келди ва навбатдаги босқичга ўтди.

Энди Н.Абдураимова саралаш босқичининг учинчи даврасида Янги Гвинея вакили Абигаил Тере-Аписахга қарши қотта чиқди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

ШОИРАНИНГ ЯНГИ КИТОБЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Меҳнат шўхрати” ва “Дўстлик” орденлари соҳибаси, шоира Зулфия Мўминова қаламига мансуб китоблар тақдимоти ўтказилди.

“Чўлпон” нашриётида 5 минг нусхада чоп этилган “Юмшоқой исмли типратиканча”, “Академнашр” нашриётида 15 минг нусхада нашр қилинган “Донишманд тошбақанинг кўзойнаги” номли эртақлар тўплами, “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий ўйи томонидан 5 минг нусхада босилган “Болаларга қилоб беринг” китоблари тақдир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Тақдимотда Ёзувчилар уюшмасининг “Болалар адабиёти” кенгаши аъзолари, болалар адабиётининг танқили намояндалари, адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

“Юмшоқой исмли типратиканча” номли китобидаги бир-биридан қуноқ эртақлар болаларни миллий маънавиятимизнинг соф ахлоқий мезонлари асосида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Муаллифининг “Донишманд тошбақанинг кўзойнаги” номли китоби болалар учун ҳали ҳеч қаерда айтилмаган эртақларни ўз ичига олган. Болаларга хос беғуборлик, қуноқлик ва ҳақ-ўйлик билан суғорилган ушбу эртақлар мурғак қалбларда катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, болалар эртақдаги қаҳрамонлардек жасур, билимдон, меҳри бўлиш истаги уйғонади.

“Болаларга қилоб беринг” китобида ижодкор болаларни она табииати севилга ундайди.

Шоиранинг юртимиз ёшларининг севимли қўшиғига айланган “Болалар китоб беринг!” шеъри кўпчиликка таниш. “Хўроз нега уюлмади”, “Чин дўст”, “Бўталок ва қўзқоқ”, “Донишманд тошбақанинг кўзойнаги” каби шеърлари ва эртақлари болангиз синфлар ўқув дарслиқларидан ўрин олган.

Тақдимот якунида муаллиф томонидан ёшларга китоблар совға қилинди.

Озода БЕКМУРОДОВА, ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 30 январь кунги ҳаво ўзарлиб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража

сөөк, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ёфосаланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz
Буюртма Г- 146
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қозон бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахиринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 16.30
1 2 3 4 5